

## МАККАДА НОЗИЛ БЎЛГОНДУР ВА УЛ 7 ОЯТДУР

Бу суранинг номларидин бири Фотихадур. Чунки Куръони Карим бу сура ила ифтитоҳ килинур; иккинчи номи Алхамддур, чунки бандаларга бу сура ила хамд айтмак тарикасин кўрсатилур; учинчи Ум ул-Китобдур, чунки бу суранинг мазмуни Куръони Каримнинг тамом мазмунларин аслидур; тўртинчи Ас-сабъ ул-масонидур, чунки бу сура етти оят бўлиб, хар намозда ва хар рукуъда кайта-кайта ўкилур; бешинчи Аш-шифодурки, ўлимдин бошка хар бир дард учун шифодур ва бундин бошка яна бир неча номлари бордур.

1. Ибтидо килинур беҳад меҳрибон, ниҳоятда раҳмлик Аллоҳ номи ила.
2. Хар бир сано Аллоҳ таоло учундурки, тамоми оламнинг Парвардигоридур.
3. Беҳад меҳрибон ва ниҳоятда раҳмликдур.
4. Жазо кунининг моликидур.
5. Биз Сангагина ибодат килурмиз ва Сандингина мадад тилармиз.  
Аллоҳ таоло бу сурани бандалар тилларидин баён килурки, бандалар шундок десинлар.
6. Бизларни бошла тўгри йўлга.  
Бу суранинг хулосаси шулдурки, Ислом дини асли усул бўлгон акоидалари учдур; биринчи тавҳид, яъни Аллоҳ таолони зотда ва сифотда якка ва ягона билмак; иккинчи рисолат, яъни Расули акрам саллоллоху алайхи васалламни Расули барҳак билмак; учинчиси киёматга иймон келтирмак. Макка суралари аксар ушбу уч акийда борасида баён бўлур.
7. Ул зотларининг йўлларигаки, Сан аларга инъом килдинг.
8. На аларга газабинг нозил бўлгондур ва на алар йўлдин озганлардур.  
Аллоҳ таоло инъом килган зотлар — набийлар ва сиддиклар ва шахидлар ва солихлардурлар ва газаб нозил бўлгон жамоа яхудлардур ва йўлдин озганлар насоролардур, бу аввалги нисбида Аллоҳ таолога хамду сано ва иккинчи нисбида бандаларга дуо тамими бор ва бу сура тамом ўкулганда «омин» демак суннатдур.